

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz •

2023 йил 1 май, № 86 (8429)

Душанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РЕФЕРЕНДУМДА ОВОЗ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 апрель куни оила аъзолари билан бирга Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек туманидаги 59-референдум участкасига ташриф буюриб, референдумда овоз берди.



Референдумда “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси овозга қўйилган. Маълумки, бу жараёнга бир ярим йил мобайнида пухта тайёргарлик кўрилди. Конституциявий қонун лойиҳаси оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, халқнинг фикри ўрганилди. Жамоатчилик томонидан 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушди. Уларнинг ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олди.

Ушбу таклифлар асосида янгиланаётган Конституция моддалари сони амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалари 275 тадан 434 тага ошди. Яъни Асосий Қонунимизнинг 65 фоиз матни халқимиз таклифлари асосида янгиланди. Бунда халқаро тажриба ҳам инобатга олинди, турли соҳалардан етук мутахассислар ва экспертлар жалб этилди.

Конституция давлатимиз барқарорлиги ва келажаги, инсон манфаатларининг ҳуқуқий асосидир. Фуқаролар буни чуқур ҳис қилиб, референдумда фаол иштирок этди.

Бу сиёсий жараённи 45 та давлат ва 14 нуфузли халқаро ташкилотдан жами 383 нафар халқаро кузатувчи бевосита кузатиб борди. Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари кенг, очиқ-ошқора ёритмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГЕРМАНИЯГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг таклифига биноан жорий йил 2-3 май кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурида Берлин шаҳрида Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер ва Федерал Канцлер Олаф Шольц билан икки томонлама учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган. Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади, халқаро кун тартибининг турли жиҳатлари юзасидан фикр алмашилади.

Германиянинг етакчи компаниялари билан инновацион-технологик шерикликни кенгайтиришга қаратилган истиқболли лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари ушбу мамлакат бизнесининг етакчилари билан алоҳида учрашув ўтказди.

Ташриф чоғида Жеймс Симон галереясида “Ўзбекистоннинг археологик хазиналари. Македониялик Искандардан Кушонлар империясигача” номли кўргазманинг очилиши ҳам режалаштирилган.

Ў.А.

Ўзбекистон — Германия: Ишончли, муҳим ва узоқ муддатли стратегик шериклик

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 2-3 май кунлари ташриф билан Германияда бўлади.

Дунёнинг ривожланган давлатларидан бири, жаҳон иқтисодиётининг турли тармоқлари ва соҳаларида етакчи ўринларни эгаллаб келаётган Германия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ва вақт синовидан ўтган ҳамкори ҳисобланади.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 20 — 22 январь кунлари Германияга амалга оширган биринчи расмий ташрифи, шунингдек, Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг ўша йил 27 — 29 май кунлари Ўзбекистонга жавоб ташрифи ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга кучли туртки берди.

2021 йил 12 март куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Канцлери Ангела Меркель ўртасида он-лайн-саммит бўлиб ўтди. Унда олий даражада эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, жорий халқаро ҳамкорлик кун тартиби, глобал ҳамда минтақавий тузилмалар доирасидаги ўзаро алоқалар юзасидан фикр алмашилди.

Бугун икки давлат ўртасида серқирра ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, у савдо-иқтисодий, сармоявий ва технологик соҳаларни қамраб олган. Хавфсизлик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳит муҳофазаси, фан ва таълим, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш ва сайёҳлик алмашину-

вини таъминлаш борасида самарали ишлар бажарилмоқда.

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги глобал ҳамда минтақавий кун тартибидagi масалалар бўйича конструктив ҳамкорлик БМТ, ЕХТ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасида амалга оширилмоқда. Расмий Тошкент ва Берлин кўлаб масалаларда, жумладан, терроризм, уюшган жиноatchилик, наркотрафикка қарши курашиш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича бир хил ёки ўхшаш позицияга эга.

2016 йил Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Германия Бундестаги билан ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Германия гуруҳи тузилди. 1994 йилдан бери Германия парламентида “Германия — Марказий Осиё” депутатлар гуруҳи фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Германия Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар икки томонлама муносабатларнинг долзарб кун тартибини муҳокама қилишининг самарали механизми ҳисобланади.

➔2-3

Халқаро стандартлар ва демократик принципларга мос

Кеча Марказий сайлов комиссияси (МСК)да бир қатор учрашувлар бўлиб ўтди.

Хусусан, МСК раиси Зайниддин Низомжўжаев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти миссияси Бош котиби Чжан Минг, Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги делегацияси раҳбари, элчи Ван Кайвен, Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси миссияси раҳбари Режеб Шекер бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашди. Мулоқотлар чоғида референдум жараёнлари халқаро стандартлар ҳамда демократик принципларга мувофиқ, МСК томонидан тасдиқланган Календарь режа ва миллий қонунчилик асосида референдум-

га тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича тизимли равишда амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Таъкидлаш жоиз, кузатувчилар миссиялари референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш жараёнларини кузатиб борди. Миссиялар Ўзбекистонга ташрифи мобайнида мамлакатимизнинг бир қатор референдум участкаларида бўлиб, кузатувчилар борасида тегишли хулоса ва тавсияларини беришни режалаштирган.

Халқ иродасининг амалдаги ифодаси

Кеча, 30 апрель куни Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ва масъул ходимлари, шунингдек, тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдумида овоз бериш бошланганидан тортиб, ушбу сиёсий жараённинг тугашигача бўлган жараёнларни халққа етказиш мақсадида брифинглар ташкил этиб борилди.

Уларда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари, референдумни кузатиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг кузатувчилари иштирок этди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига мувофиқ, референдум кунини 2023 йил 30 апрель деб белгилади ҳамда овоз бериш бюллетенига битта савол: “Сиз “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунини қабул қиласизми?” деб ёзилди.

Кеча эрталаб соат 8:00 да мамлакатимизда ташкил этилган 10 минг 758 та референдум участкаси овоз берувчиларга ўз эшикларини очди. Шунингдек, Ўзбе-

кистон Республикасининг 39 та хорижий давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда тузилган 55 та референдум ўтказувчи участкаси иш бошлади. Сайловчилар ягона электрон рўйхатида 19 миллион 414 минг 914 нафар овоз берувчи фуқаро кiritилди. Хорижий давлатларда тузилган референдум участкасидаги овоз берувчилар рўйхатида жами 307 минг 895 нафар фуқаро кiritилди.

Марказий сайлов комиссияси маълумотларига кўра, референдумни жами 383 нафар халқаро кузатувчи, бундан ташқари, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқари органларидан жами 44 мингдан ортиқ маҳаллий кузатувчилар бевосита кузатиб борди

«Халқ сўзи».



Халқаро кузатувчилар: Фуқаролар сиёсий фаоллигини яққол намоён этди

Шу йилнинг 30 апрель куни мамлакатимизда “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун бўйича мамлакат сайлов қонунчилиги меъёрларига мувофиқ ташкил қилингани эътироф этилган референдум бўлиб ўтди.

МДХ, МДХ Парламентлараро Ассамблеяси, ЕХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ШХТ, Ислоом ҳамкорлик ташкилоти сингари халқаро ташкилотлар ҳамда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Туркия, Кувайт, Хиндистон ва бошқа қатор хорижий давлатлардан жами 258 нафар кузатувчи овоз бериш жараёнини кузатиб борди.

Очиқлик ва ошқораликни таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлар асосида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 778 вакили аккредитациядан ўтказилди.

“Дунё” ахборот агентлиги ва “Халқ сўзи” мухбирлари сайлов участкаларида бўлган халқаро кузатувчилар билан суҳбатлашди.

Ҳақ Эҳсан ул-Раҳмон Алҳаж АБДУЛ, Покистон Куролли кучлари штабининг собиқ бошлиғи, истаъфодаги генерал:

— Ўзбекистон Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича ўтказилган референдум каби тарихий тадбирда қатнашиш имконига эга бўлганимдан ҳақида хурсандман. Овоз бериш ҳақида шуни таъкидлашни истардимки, биз бир қатор сайлов участкаларида бўлиб, уларнинг барчасида овоз бериш



➔2-3

КОНСТИТУЦИЯ — МЕНИКИ, СИЗНИКИ, ҲАММАМИЗНИКИ!

Кеча, 30 апрель куни юртимиз бўйлаб янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси бўйича ўтказилган референдумда халқимиз фаол қатнашиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғуси, ўз фуқаролик позициясини яққол намоён этди.

Мазкур муҳим сиёсий жараён мамлакатимизнинг барча ҳудудида халқимизнинг фаол иштироки билан юқори савияда ўтказилди. Ватандошларимиз фаровон келажагимиз кафолати бўлган Бош қомусимизни ислохот-

ларга мос равишда ўзгартириш бўйича ўз овозларини берди. Бу эса юртдошларимиз тинч ҳамда фаровон ҳаётимиз, ёрқин келажагимиз учун бефарқ эмасликларининг ҳаётини ифодаси бўлди, десак, айна ҳақиқат.

Кишлоқ хўжалиги ислохотларидан манфаатдормиз

Янгиланаётган Конституция бўйича тарғибот жараёнларида кишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ердан оқилона фойдаланиш ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи янги нормалар, хусусий мулк дахлсизлиги борасида етарли маълумотга эга

бўлган эдик. Шунинг учун ўзим истиқомат қилувчи 100-референдум участкасида фермер ва тадбиркорлар манфаати учун овоз бердим.

Референдум участкасида барча қулай шaroит яратилган. Хусусан, янгиланаётган Конституциявий қонун лойиҳаси билан танишиб чиқиш учун пешлавлар илган, маълумотлар билан бемалол танишиб чиқиш мумкин.

Албатта, кейинги йилларда кишлоқ хўжалигида олиб бoриладиган ислохотлар эртанги кунга бўлган ишончимиз ва шижоатимизни оширмоқда.

➔2-3

КОНСТИТУЦИЯ – МЕНИКИ,



1 Ҳар йили пахта ва галладан юқори ҳосил олиб, шартномавий режаларни ортиги билан уддалаб келяпмиз. Худудимизда етиштирилган сабзавот ва полиз экинлари, мевалар халқимиз дастурхони тўқинлигини таъминлаётир.

Айни кунларда далаларимизда иш қизгин, униб чиққан гўзаларга дастлабки ишлов бериш ишлари бошланаётган бўлса, бугдойзорларимизда илк ҳосил нишонлари бўй кўрсатди.

Оиламиз ва фермер хўжалигимиз аъзолари ҳам референдумда фаол иштирок этиб, элу юрт манфаати учун овоз берди.

Илҳом ПАЛВОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикасининг
Амударё туманидаги
«Бекман Аллаберганов»
фермер хўжалиги раҳбари.

Илк бор овоз бериш имкониятидан фойдаландим

Референдумда биринчи марта ўзбекистон фуқароси сифатида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлдим. Йиллар давомида қаторда бор, санокда йўқ инсон сифатида яшашнинг ўзи бўлмаган экан. Президентимизнинг инсон кадр-қимматига бўлган эътибори туфайли мен каби 198 нафар булоқбошилик сайловда илк бор иштирок этдик.

Асли Қирғиз Республикасининг Аравон туманида туғилганман. 1994 йили Андижон вилоятининг Булоқбоши туманига келин бўлиб тушдим. Утган йиллар давомида фарзандли, набирали бўлдим. Бу орада бир неча марта сайловлар бўлиб ўтди. Ҳар гал кўшнилари, яқинларим фуқаролик бурчидан фойдаланганларига менинг кўнглим ўксирди. Чунки инсоннинг шахс сифатида камситилишидан огирроқ азоб бўлмади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортига эга бўлдим! Бу бахтни мен каби кўнгли ўксик ҳамюртларимиз яхши ҳис этади. Биласизми, 30 апрель тонгини ўзгача интиқлик билан кутдим. Биринчилардан бўлиб худудимиздаги 388-сайлов участкасига бориб, овоз беришда қатнашдим. Энди мен ҳам юртимдаги ўзгаришлар, сиёсий жараёнларнинг бевосита иштирокчиси эканлигимдан бахтиёрман!

Гулмирахон ЧАЛАБОЕВА,
Андижон вилоятининг Булоқбоши туманидаги
«Қақир» МФЙ фаоли.

Инсон омили биринчи ўринга қўйилгани таҳсинга лойиқ

Янгиланаётган Конституция нормаларида халқимизнинг тақлиф ва истақлари, аҳолининг барча қатлами манфаати ҳисобга олинган. Мухими, Бош қомусимизда «Инсон кадри учун» деган ғоя устувор.

Буни кейинги беш-олти йил ичида юртимизда амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар мисолида айтиш мумкин. Биргина ўзимиз истиқомат қилаётган Маҳмуд Торобий номидаги маҳалла кейинги йил-



бўлиб яшаши учун қилинаётган ишларни айтмайсизми?!

Мен 43 йил давомида электрпайвандчилик қилдим. Турмуш ўртоғим билан тўрт фарзандни вояга етказдик. Ҳозирги кунда тўқиз нафар набирам бор. Референдумда оиламиздан саккиз киши овоз бердик.

Бухоро шаҳридаги 26-референдум участкасига атайлаб тонг саҳарлаб келдим. Сўраб-суриштириб билдим: участкамиздан 63 нафар йигит-қиз илк бор овоз берар экан. Кузата туриб, уларнинг кўзларида фахрур ифтихор, гурурни кўрдим. Бу менга юртимиз эртаси ишончли қўлларда эканидан кичик бир нишона бўлиб туюлди.

Ботир МАХМУДОВ,
меҳнат фахрийси,
Бухоро шаҳри

«Инсон — жамият — давлат» тамойили асосида

Референдум орқали халқимиз ўз хоҳиш-иродасини намоён этган Бош қомусимизни эндиликда «Халқ Конституцияси» дея аташ учун барча асосимиз бор. Чунки янги тахрирдаги Конституциямизда «давлат халққа хизмат қилиши керак» деган инсонпарвар ғоя сингдирилгани бир қарашдаёқ илғаб олиш қийин эмас. Янги Конституцияда илгари амал қилиб келинган «давлат — жамият — инсон» тамойили «инсон — жамият — давлат» сифатида ўзгариши, яъни эндиликда инсон манфаати ҳар нарсадан устун эканлигини кўриш мумкин.

Мисол учун Конституциямизнинг биринчи моддасидаёқ Ўзбекистон ижтимоий давлат деб эълон қилинди. Давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч баравар ортди. 40-моддасида ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органлари ҳамда ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар ёки халқ вакилларига аризалар, тақлифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди.

Ушбу моддадаги ўзгариш сифатида қайд этилаётган ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахсларга ҳам фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи берилгани «маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла» тамойили асосида Халқ қабулхоналарининг бевосита иштирокида маҳаллий ҳокимликлар, секторлар раҳбарлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган

сайёр қабулларда муаммони тезкорлик билан ҳал этиш имконини беради. Шу сабабли, янгиланаётган Бош қомусимиз юртимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегияси ҳамда халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти учун мустақкам ҳуқуқий асос ва кафолат бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Байрамбек УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонаси
муdiri.

Эртанги кун истиқболи йўлида



Наққошлик санъати, хунарманд усталар сулоласининг вақили сифатида кейинги йилларда соҳа ривожланиши қаратилаётган юксак эътибор ва рағбат туфайли фаолиятимизни замонавий мезонлар асосида ривожлантиришмоқдамиз. Эндиликда меҳнатимиз маҳсули нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида қадрланапти. Янгиланаётган Конституцияда белгилаб қўйилган янги меъёр ҳамда нормалар бу борадаги муваффақиятларимизни янада кенгайтиришига ишонамиз.

Шунинг учун ҳам эрта тонгда оиламиз, шоғирдлар биргаликда Фурқат туманида жойлашган 1196-референдум участкасида бўлиб, сиёсий тадбирда фаол иштирок этдик.

Юртимизда тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт халқимизнинг энг улғу бойлигидир. Бош қомусимиз дориламон кунлар бардавомлиги учун хизмат қилади. Бу жараёнда қатнашиб, мен эртанги кун истиқболи учун овоз бердим.

Референдум участкаси замонавий компьютер ҳамда алоқа воситалари, зарур меҳнат ҳамда бошқа жиҳозлар, ҳуқуқий адабиёт ва қўлланмалар, турли ахборотномалар билан таъминлангани бизни беҳад қувонтирди. Тиббиёт, она ва бола хоналари ҳам ташкил этилибди.

Участкага келолмайдиган сайловчиларнинг уйига бориш учун комиссия аъзолари белгилаб, транспорт ажратилгани, кўмақ қўли билан таъминлангани эса худуддаги барча сайловчи тарихий воқеликни теран ҳис этиш имконини берди.

Мухаммадали ЮНУСОВ,
Ўзбекистон халқ устаси, Фарғона вилояти.

Эзгу орзулар ижобати

Референдум мамлакатимиз келажак бўлган ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатловчи сиёсий жараён эканлиги билан аҳамиятлидир. Афсуски, мустақилликнинг ўтган



йигирма беш йиллик даврида йўл қўйилган хатолар туфайли мамлакатимиз ёшларига етарли шароит яратиш борасида суस्तашлик қилинди. Мамлакатимиз раҳбари бу нуқсонларга барҳам бериш учун янги Ўзбекистонда янги муносабатларни шакллантириш ғоясини илгари сурмоқда. Бу сиёсий жараён эзгу ва хайрли ташаббусларнинг қонуний кафолати ҳисобланади.

Айниқса, янгиланаётган Конституция лойиҳасининг 51-моддасида «Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга»лиги белгилангани фаолиятимизни жаҳон андозалари даражасида ривожлантиришда қўл келади.

Буни инобатга олган ҳолда филиалимиз жамоаси билан яқин истиқболда миллий ва халқаро рейтинглардан муносиб жой эгаллаш, талаба-ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш, илмий тадқиқот ишларини қучайтириш ҳамда рақобатбардош олий ўқув юрти сифатида ўз имижимизга эга бўлишни мақсад қилганмиз.

Шу маънода, профессор-ўқитувчилар ва талабаларимиз референдумда ўз келажак ва эртанги бахтли ҳаёти учун овоз беришда иштирок этганидан беҳад мамнун.

Нурбек НАСРУЛЛАЕВ,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари
университети Нурафшон филиали директори,
PhD, доцент.

Ҳаётда кадр-қимматга эга бўлдик

Умр бир текис кечмас экан, ўн саккиз ёш арафасида қаттиқ хасталик ортидан чап оёғимдан айрилдим. Аммо давлатимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли тушқунликка тушмадим, жамиятдан ажралиб қолмадим. Дастлаб уйда маҳалладош дўгонларимни ёнимга олиб, чиройли либослар тикиб, бозорга чиқардик. Кейин тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб, болалар боғчаси ташкил қилиш ҳаракатига тушдим.

Маҳалламизда фойдаланилмай турган бинони сўраганим, «ноль» қийматда беришди. Дарров таъмирдан чиқариб, давлат-хусусий шериклик асосида 170 нафар кичкинтойи қабул қилдик. 25 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Болаларга инглиз, рус тилларини ўргатяпмиз.

Мамлакатимизда рўй бераётган ҳаётбахш



ўзгаришлар шарофати билан Конституциямизга киритилаётган ўзгаришлар бу борадаги ишончимизни янада мустаҳкамлади. Боиси ўзгаришлар негизда инсонни улуғлаш, унинг қадрини янада юқори кўтариш бош мақсад қилиб олинган. Масалан, 39-моддага «Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш учун зарур тенг шароитларни яратиш» дея киритилаётган янги банд биз сингари фуқароларнинг хунар ўрганиш, тадбиркорлигини йўлга қўйиш каби имкониятларимизни кафолатлайди.

Кеча референдум участкасига чиқиб, фуқаролик бурчимни бажардим. Бу ерга келган маҳалладошларимнинг барчаси янгиланаётган Конституциямиз учун яхши қайфиятда овоз бераётгани уларнинг юз-кўзидан билиниб турган эди. Зеро, ҳар бир инсон эътибор, кадр-қимматга муносиб деган эзгу тамойилнинг мазмун-моҳияти ҳам шунда.

Зебо АЗИБОЕВА,
Наманган вилоятининг Чортоқ туманида
яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони,
«Жасорат» медали соҳибаси.

Шу юрт фарзанди эканимдан фахрланаман

Ота-онам ўтган аср ўрталарида Ўзбекистонга қўчиб келишган. Ушанда мен уч ойлик чақалоқ бўлган эканман. Хуллас, шу заминда вояга етдим. 1960 йили турмушга чиқиб, 45 йил Қарман туманидаги 8-умумтаълим мактабига ёшларга кимё фанидан ўзбек ва рус тилларида сабоқ бердим.

Умрим давомида халқимизнинг барча қувончу ташвишларига гувоҳ



Халқаро кузатувчилар: ФУҚАРОЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ



Хайридин УСМОНЗОДА,
Тожикистон Президенти
хузуридаги Стратегик
тадқиқотлар маркази
директори, фалсафа фанлари
доктори, Миллий Фанлар
академиясининг мухбир аъзоси:

— Шунинг таъкидлаши истардимки, янги Ўзбекистон тарихида ўзига хос соломаларга битилган катта воқеалар рўй бермоқда. Шубҳасиз, янгиланажак Конституция мамлакатни янги босқичга, республикани сифатли ривожлантириш лиллопасига олиб чиқади. Бу мамлакат раҳбарияти сўнгги йилларда олиб бораётган сиёсатдан келиб чиқадиган жараёнлар. Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг ушбу йўналиши мустақкам меъёрий-ҳуқуқий базани таъминлаш, ислохотларни амалга ошириш ва белгиланган мақсадларга эришишни ўз ичига олади.

Биз қўшни давлат сифатида Ўзбекистонда содир бўлаётган муҳим воқеаларни диққат билан кузатиб борамиз. Чунки улар Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг умумий ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Ушбу муҳим тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юқори савияда ташкил этилган. Эрталаб пойтахтдаги кўпбал сайлов участкаларига ташриф буюриш асосида бунга амин бўлдик. Ўзбекистон халқи мазкур сиёсий тадбирга ас-



тойдил ва катта масъулият билан ўз мамлакатини Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун овоз беришга тайёр эканлиги эътибор қаратдим.

Биз, экспертлар ҳамжамияти учун асосий омили шундаки, янгиланаётган Конституция лойиҳасининг биринчи моддаси давлат тузилишининг асосий тамойилларини белгилаб беради. Уларнинг ўзгармаслиги, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, дунёвий ва ижтимоий давлат қуриш тамойили аниқ белгилаб қўйилган. Бу ҳам Марказий Осиё давлатларини бир-бирига яқинлаштиради. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, янгиланажак Конституциянинг мазмуни ҳам қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик, ўзаро ишончли муносабатлар ўрнатилганидан далолат беради. Ҳайратангича, Ўзбекистон Конституциясига киритилажак янгиланишлар мамлакат тараққиётининг янги босқичида муҳим ўзгаришлар рўй беришига хизмат қилади.

Ҳамад Ал-МЕКАЙМИ,
Қувайтдаги Хейла университети
профессори:

— Ўзбекистон учун тарихий воқеа бўлган ушбу дақиқаларда бу ерда бўлиш мен учун катта шарафдир.

Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича ўтказилган референдум Ўзбекистон халқи учун жуда муҳим воқеа ҳисобланади. Чунки ушбу ўта муҳим ҳужжатни ишлаб чиқишда мамлакатнинг ҳар бир фуқароси бевосита иштирок этди.



Сайлов участкаларига ташриф буюриб, аҳолининг нақадар фаол бўлганини кўрдим. Тушга қадар сайловчиларнинг ярмидан кўпи овоз бериб бўлишган эди.

Мен сайловчилар билан суҳбатлашишга ҳам муваффақ бўлдим. Таъсирлантирадиган жиҳати шундаки, овоз берувчилар давлат ва жамиятнинг барча соҳасида туб ўзгаришлар учун мустақкам ҳуқуқий асос яратадиган бўлажак ўзгаришлардан жуда мамнун эканлигини ҳис этдим.

Мухаммад Ризо МАЖИДИ,
Осиё Парламент Ассамблеяси
Бош котиби:

— Ўзбекистонда бўлиб ўтган Президент сайловида ҳам халқаро кузатувчи сифатида иштирок этганман. Шу маънода, мамлакатнинг сайлов қонунчилигидан яхши хабардорман, десам, муноболага эмас.

Таъкидлаши истардимки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда катта ислохотлар олиб борилди, демократик ислохотлар ҳам босқичма-босқич, тизимли амалга оширилмоқда. Бу, албатта, муҳим сиёсий тадбирлар — сайлов ҳамда референдум жараёнларида яққол намоён бўляпти.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ референдуми ҳам аҳолининг фаол иштирокида, ушқоқлик билан ўтди. Референдум



Ўзбекистон — Германия: ИШОНЧЛИ, МУҲИМ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК



Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт жамғармалари, Германия Адлия вазирлиги хузуридаги Хуқуқ соҳасида халқаро ҳамкорлик жамғармаси, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти Ўзбекистондаги шерик ташкилотлар билан кўп йиллардан бунён муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Фүқаролик жамияти, хуқуқшунослик, суд-хуқуқ масалалари, ахборот-коммуникация технологияларини раванқ топириш йўналишларида алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда.

батларнинг юксак даражадаги ёрқин далили сифатида аташ мумкин. Германия ушбу йўналишларда аънанавий тарзда мамлакатимизнинг асосий ҳамкори ҳисобланади. Сўнгги беш йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 24 фоизга ошди. Хусусан, ўтган йил ушбу кўрсаткич 51 фоизга, Ўзбекистон маҳсулотларининг Германияга экспорти эса 21 фоизга кўпайди.

соҳадаги алоқалар ривожланиб бормоқда. 2015 йилда ташкил этилган Савдо ва сармоя бўйича ҳукуматларaro ишчи гуруҳи ҳамда Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришга катта ҳисса қўшмоқда. Жумладан, 2022 йил июль ойида Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгашининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида 100 дан ортиқ етакчи немис компаниялари вакиллари иштирок этди. Натижада умумий қиймати қариб 400 миллион евролик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" қабул қилинди.

мактаб ўқувчилари, 19 минг нафар талаба Гёте, Шиллер ва Кант тилини ўрганмоқда. 24 та мактабда немис тили чуқурлаштирилган тарзда ўргатиляпти. Улардан 6 таси, яъни Тошкент, Самарқанд, Марғилон, Фарғона, Андижон ва Бухоро шаҳарларидаги мактаблар немис тили дипломини бериш ҳуқуқига эга. Шунингдек, 4 мингдан зиёд ўзбекистонлик аспирант ва докторантлар Германиянинг турли университетларида таҳсил олмақда. 2022 йил 31 октябрь — 2 ноябрь кунлари Германия ташқи ишлар вазири Анналена Бербок Ўзбекистонга ташриф буюрди ва Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинди. Германия Федерал ташқи ишлар вазири ўз ташрifi доирасида пойтахтимиздаги немис тили чуқур ўргатиладиган 60-мактабда бўлди. Ушбу мактабга 2019 йилда немис шоири ва мутафаккири Иоганн Вольфганг фон Гёте номи берилган.

ШАРҚ, ҒАРБ ВА ГЛОБАЛ ЖАНУБ БИЛАН ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРГА АСОСЛАНГАН МУСТАҚИЛ ТАШҚИ СИЁСАТ

Ҳиндистоннинг етакчи "ақл марказ"ларидан бири — "Gateway House" веб-сайтида мустақил журналист ва ёзувчи Ажай Камалакаран қаламига мансуб Ўзбекистоннинг бугунги ташқи сиёсати бағишланган мақола эълон қилинди.

"Ўзбекистон географик жиҳатдан ноёб ҳудудда, яъни Жанубий, Шарқий, Ғарбий ва Марказий Осиё ҳамда Россияга олиб борадиган йўлларнинг чорраҳасида жойлашган, — деб ёзади хинд эксперти. — Мамлакатнинг келажаги ушбу стратегик жойлашувдан унумли фойдаланиш ва турли рақобатдош геосиёсий манфаатларга нисбатан мувозанатли муносабатда бўлиш билан боғлиқдир. Тошкент барча етакчи давлатлар билан дўстона алоқаларни сақлаб қолиши мумкин деб ҳисоблайдиган прагматик аҳолининг қўллаб-қувватлаши натижасида бу борадаги муносабатларни ижобий тарзда мувофиқлаштириб келмоқда". Муаллиф Ўзбекистоннинг АҚШ, Россия, Ҳиндистон ва Хитой каби давлатлар билан ҳамкорлиги масаласига оид ўз қарашларини ҳам баён этган.

ЎЗБЕКИСТОН ВА СЪЕРРА-ЛЕОНЕ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛДИ

Шу йилнинг 28 апрель кунин Нью-Йорк шаҳрида (АҚШ) Ўзбекистон билан Сьерра-Леоне Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида Қўшма коммунике имзоланди.

Сьерра-Леоне Республикаси Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатган 143-давлатга айланди. Икки давлат ҳукумати номидан ҳужжатни Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили Бахтиёр Ибрагимов ва Сьерра-Леоне Республикасининг БМТдаги доимий вакили Алхаджи Фанд Турай имзоледи.

риглан муассасалари доирасида қўшма ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканликларини тасдиқладилар. Шерикликнинг ўзаро манфаатли йўналишларини излаш учун икки томонла алоқаларни давом эттириш бўлиши келишувга эришилди. Ҳужжатнинг имзоланиши Ўзбекистоннинг Ғарбий Африка давлатлари билан ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш йўлидаги мумкин қадам бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА БУЮК БРИТАНИЯ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонасида Британия — Осиё ишбилармонлар кенгаши (UK-Asian Business Council) билан ҳамкорликда Буюк Британияда Ўзбекистон иқтисодийнинг турли тармақларида ўрта ва кичик бизнес учун очилаётган имкониятларга бағишланган давра сўҳбати ўтказилди.

Тадбирда Британия — Осиё ишбилармонлар кенгашига аъзо бўлган фармацевтика, соғлиқни сақлаш, таълим, тоғ-кон саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларга иқтисодлаштирилган компания раҳбарлари иштирок этди. Британия ишбилармон доиралари Ўзбекистондаги барча ўзгаришларнинг асосий устувор йўналиши сифатида инсон ҳуқуқ ва эриқликларини белгилаб берилганини олқишляди. Ўзбекистоннинг "яшил" иқтисодиётга ўтиш режалари, транспорт,

ахборот технологиялари, туризм, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги истиқболли лойиҳалари қатнашчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Шунингдек, коммунал ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш ҳамда таълим каби соҳаларда давлат-хусусий шериклик механизмидан фойдаланиш ҳолда хорижий бизнес унм ташкил этилаётган давлат дастурлари юзасидан ҳам атрафлича фикр алмашилди. Буюк Британия ҳукумати томонидан "Developing Countries Trading Scheme" имтиёз-

ли савдо режими доирасида экспорт қилинаётган Ўзбекистон маҳсулотларининг рақобатдош устуниклиги қайд этилди. Давра сўҳбати якунлари бўйича Ўзбекистон қорхоналари билан тўридан-тўри алоқаларни ўрнатиш мақсадида Британиянинг манфаатдор компаниялари вакилларидан иборат бизнес-миссиянинг Ўзбекистонга амалий сафарини уюштириш бўйича келишувга эришилди. Британия — Осиё бизнес кенгаши 2014 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 300 дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес вакилларини бирлаштиради. Кенгаш, шунингдек, Осиё ва Африка давлатлари билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантиришга қўмақлашади.

ТОШКЕНТ ФОРУМИ МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА ЙЎНАЛИШЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ УЧУН ЯХШИ МИНБАР

Ўтган ҳафта пойтахтимизда иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Буюк Британия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Миср каби мамлакатлар, шунингдек, МДҲ, Европа Иттифоқи, Жанубий-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ ҳудудларида жойлашган давлатлардан 2,5 минг нафардан ортиқ ишбилармон ва сиёсий доиралар вакиллари иштирок этди.

содий ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг бошқа қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди. Форум қатнашчиларини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қутлади. У ўз нутқида сўнгги бир неча йил ичида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар ва ўзгаришлар ҳақида таъкидлаб, мазкур форум мамлакатимизнинг халқаро алоқаларини мустаҳкамлаш ва бошқа давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этди. Буни хорижий экспертлар ва иштирокчилар ҳам эътироф қилмоқда.

даврдa Президент Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу халқаро анжуман янги реалликлардан келиб чиқиб, бизнес олами вакиллари учун жуда ҳам қўлай платформа сифатида хизмат қилмоқда. Мен 2022 йили бўлиб ўтган биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуминида иштирок этган эдим. Ушундан ҳам унинг юқори савияда уюштирилганини қўриб, ҳайратда қолганим. Ушбу анжуман доирасида қатор ўзбек қорхоналари билан етакчи испан компанияларини жалб қилган ҳолда бир неча йўналишда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик. Ҳозирги пайтда улар бўйича амалий ишларни олиб бормоқдамиз.

Ларида, ҳамкорлар билан бизнес юритиш-да шахсан ўзи қафолат бўлишини тақордан айтиб ўтгани, шубҳасиз, катта эътиборга созвордир. Мамлакат раҳбарининг бундай сўзларидан кейин Ўзбекистонда бизнес юритишга иштиёқни янада ошди, десам, сира муволажа бўлмайдими. Уйланимани, бундай ислохотлар яқин келажақда Ўзбекистонни нафақат Марказий Осиё давлатлари орасида, балки бунгун жондор инвестиция киритиши учун энг қўлай ва жозибали мамлакатга айлантиради, деб ҳисоблайман.

донларининг очилиши бўлиб ўтди. Хусусан, Жиззах ва Чирчиқда технопарклар очилди. Айтиш кераки, 4 та тайёр саноат маҳсули анча аввал ишга туширилган.



Денис БЕРДАКОВ, қирғизистонлик сиёсатшунос: — Тошкент халқаро инвестиция форумини ўтказиш йўлидан-йўлга инновацион моҳият касб этиб бораётган, энг яхши кадрларни ўзига жалб қилаётган, шунингдек, IT соҳасини жуда фаол ўзлаштираётган Ўзбекистоннинг иқтисодий унм учун яна бир ижобий қадам ҳисобланади.

публика денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга эмас. Шу боис Тошкент форуми нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг транспорт ва логистика йўналишларини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш учун яхши минбар ҳисобланади. Форумда сўзга чиққан Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш соҳасида эришган муваффақиятларига тўхталди. Хусусан, сўнгги йилларда 40 мингдан зиёд янги саноат қорхоналари ташкил этилиб, жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 10 миллиард долларга етди, 1 миллионга яқин аҳоли қашшоқликдан чиқарилди, қашшоқлик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга пасайди. Бу рақамлар асосий савдо шерикларининг сиёсий ва иқтисодий бекарорлигига қарамай Ўзбекистон геосиёсий йўналишга эътибор бермасдан ўз сиёсатини оқилона олиб боришга интиляётганидан далолат беради. Ишонч билан айтиш мумкинки, сўнгги йилларда Ўзбекистон сармоя ётқизиш ва сайёхлик

йўналиши учун дунёдаги энг жозибадор мамлакатлардан бирига айланди. Эдуард ГУЛЯН, Испаниядаги «АСИЯ» Евроосиё бизнес альянси президенти: — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиши маросимидаги нутқида тилга олинган барча масалалар, шунингдек, мамлакат эришган муваффақиятлардан нагладимки, Ўзбекистон инвестициялар учун янада қўлай ва жозибали мамлакатга айланмоқда. Сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятида содир бўлаётган тектоник ўзгаришлар, узоқ йиллар даврида шаклланган ишлаб чиқариш ва логистика занжирлари, хомашё ва ресурсларга бўлган талаб ҳамда тақлифлар тубдан ўзгараётган жуда мураккаб

Артур НИКОЛАЕВ, Татаристон Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари: — Бу mening Ўзбекистонга биринчи ташрифим эмас. Шунинг алоҳида таъкидлашнинг зарурлиги, Ўзбекистон йўлидан-йўлга сезиларли даражада ўзгариб бормоқда, ўсиб бораётган ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Яқинда "ИННОПРОМ. Марказий Осиё — 2023" халқаро саноат курғазмаси муваффақиятли ўтказилди. Шунинг тадбирида Россиянинг қўллаб-қувватлаш вакилларидан иборат Россия делегацияси ҳам иштирок этди. Бизнинг минтақамиздан 50 дан ортиқ ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди. Ушбу форум доирасида Татаристон томонидан асос солинаётган янги ишлаб чиқариш май-

дунёнинг очилиши бўлиб ўтди. Хусусан, Жиззах ва Чирчиқда технопарклар очилди. Айтиш кераки, 4 та тайёр саноат маҳсули анча аввал ишга туширилган.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 541. 17 714 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Гезетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб-қувватлаш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девоухона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЯЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ. Гезетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Гезета таҳририят компьютер терминалида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган. Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07. • МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов. Мусахҳиҳ — М. Беккулова. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА Якуни — 00.15. Тошпирлиди — 02.30 1 2 3 4 5 6